

Хоразм воҳаси шароитида ток остида қовун етиштириш.

Э.И.Самандаров, доц. Урганч давлат университети, Урганч.

Д.М.Мансурбекова, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч.

Аннотация. Мақолада узум ва уни остида қовун етиштириши тасвирланган.

Калит сўзлар: узум, қовун навлари, сугории, минерал ўғит берииш.

Аннотация: В статье описано выращивание винограда и бахчевых под него.

Ключевые слова: виноград, сорта бахчевых культур, орошение, минеральные удобрения.

Abstract: The article describes the cultivation of grapes and melons under it.

Key words: grapes, melon varieties, irrigation, mineral fertilization.

Ер юзида аҳоли сонининг қўпайиб бориши билан биргаликда унинг озиқ-овқатга бўлган талаби ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Хоразм воҳасининг жуғрофий ўрнига кўра Ўзбекистоннинг шимолий қисмида жойлашган. Уларнинг худуди қурғоқ минтақага кириб, йиллик ёғингарчилик 80-90 миллиметрни ташкил этади ва улар асосан қиш ва баҳор фаслларига тўғри келади.

Воҳа иқлими кескин континенталдир. Ёзи иссиқ ва қуруқ. Июл ойида ҳавонинг ўртacha ҳарорати $+28^{\circ}\text{C}$, ўртacha мутлок юқори ҳарорат $+41^{\circ}\text{C}$, баъзан ҳарорат $+46^{\circ}\text{C}$ гача боради.

Ўзбекистон салкам 50 та давлатга узум экспорт қилияпти. Аслида узум ва қовун дунё бўйича энг кўп истеъмол қилинадиган мева ва полиз экинларидан ҳисобланади.



Республикамизда узумчилик ва полизчилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан биридир.

Сўнги йилларда соҳани ривожлантириш, учраётган хато ва камчиликларни вақтида бартараф қилиб, етиширилган ҳосилни аҳолини эҳтиёжи ва экспортга йўналтириш борасида давлатимиз томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Узум ва қовун ўсимлигини бирга етиширишга асосий сабаб шундаки бу иккала ўсимлик ҳам сувга унча талабчан эмас. Бу ўсимликларни ортиқча суғориш мева мазаси ва сифатининг бузулишига олиб келади.

Узумни гектарига 3x2-1 схемада экилганда 1660 туп кўчат экилган. Узумнинг ҳосил доналари йириклишгунча 3-4 маротаба ҳомтак қилинади. Ортиқча новдаларини олиб ташлаш билан узум тупида қолдирилиши лозим бўлган новдалар аниқланади ва ортиқча ҳосилсиз новдалар олиб ташланади. Қўлтиқ новдаларини олиб ташлаш. Бу новдалар шу йил ҳосил бўлган новдалардаги барг қўлтиғидан чиқади. Қўлтиқ новдалар батамом олиб ташланмайди, икки-уч баргли қилиб қолдирилади. Бу бурглар янгидан вужудга келаётган куртакларнинг етилишига ёрдам беради. Натижада келгуси йил ҳосили 15 фоизгача ошади.



Қўлтиқ новдалар олдинма кейин пайдо бўлганидан 2-3 йўла олиб ташланади. Узум тупига асосий новдаларнинг микдори кам бўлса, қўлтиқ новдаларидан қолдириб келгуси йилда ҳосилли новдага айлантирилади.

Қолдирилаётган бу новдалардан ёш тупларда уни шакллаш учун, кекса тупларда яшартириш учун фойдаланиш мумкин.

Узум меваси бўлган новдаларнинг ўсишини вақтинча тўхтатиш ёки секинлатиш мақсадида уларнинг учи 1см узунликда чилпиб ташланади.



Натижада озиқ моддалар новданинг ўсишига эмас, балки ундаги узум доналарининг кўп ва йирик бўлишига, ҳосил 20-22 фоиз ошишига олиб келади.

Узум новдаларидаги қаттиқ, йирик бурглар сийраклаб олиб турилади, чунки күёш нурлари узум мевасига тушиши ҳисобига сифатли ҳосил олиш мумкин.

Минерал ўғитлар (N,P,K) 120/90/90/кг/га қўлланилиб сугориш тизими 4-5 маротаба амалга оширилади.

Асосан биз олиб брогон тажрибада Узум ток остида полиз экини (қовун) етиширишдир. Биламизки узум ҳам полиз экинлари (қовун) ҳам сувга бўлган талаби камдир. Чунки узум баҳор фаслида сугоролади, кейин пишишдан олдин июл ойи бошида сугорилади. Июл ойи бошигача ўрта пишар Гурбак, Суюнчи, Бўрикалла, Оби-Новвот қовун навларини экиб, улардан қўшимча ҳосил олинди.



Экилган узумларни қатор оралари 28-30 смдан кам бўлмаган чуқурликда, узум кўчатларига 60 см қолдириб шудгорланади. Шудгорлаш ишлари асосан фосфорли ва калийли ўғитларни аралаштириб солинган ҳолда олиб борилади. Полиз экинлари уруғининг униб чиқиши учун ҳарорат +15+18°C бўлиши керак.

Экилган узум навлари 3x2-1 схема бўйича экилган бўлиб, қатор оралари 3м кенглика бўлганлиги учун ўртасидан эгат олиниб, пушта қилинади. Апрел ойининг иккинчи ўн кунлигига, ҳарорат +15°C дан юқори бўлганда уруғ ерга қадаб экиб чиқилади.



Қовун экинлари тупроқ унумдорлигига жуда талабчан бўлиб, унумдорлиги паст бўлган тупроқлар кам ҳосил беради ва меваси майда, bemaza бўлади. Бундай тупроқларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Шунинг учун унумдорлиги паст бўлган тупроқлар гўнг компости, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилади.

Асосан фосфорли ва калийли ўғитларни 50 фоизини шудгорлашда, қолган 50 фоизини ўсув даврида қўллаш яхши натижа беради. Қолган ўғитларни N ни ўсимлик ривожланишининг эртаги пайтларида, найчалагунга бўган даврда берган мақбулдир. Азотли ўғитлар шу тартибда тақсимланганда ҳосилдорлик ошибина қолмасдан, мевасини мазаси ҳам яхшиланди. Суғориш тадбири қовунлар экилгандан кейин узумни суғориш пайтида 2 маротаба амалга оширилади.

Биз олиб борган тажриба бўйича узумдан 300 ц/га ҳосил олинган бўлса, уни қатор ораларига экилган ўртапишар навлардан 200 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Абдуллаев Р.М., Арипов А.И., Набиев У.Я. “Сув танқислиги шароитида мева-узумдан юқори ҳосил олишда сувни тежаш технологияси” (Тавсиянома) Тошкент-2011
2. Абдолниёзов В.О., Ғуломов Ф.С. Хоразм қовунлари. – Урганч, 2008.
3. Душамов Б.К. Қовун пашаси ва унга қарши кураш усуллари. Урганч, 2005.
4. Бузин Н.Л., Пелях М.А. “Виноградство Узбекистана” Тошкент. 1956
5. Мирзаев М., Темуров Ш. “Мевачилик ва узумчилик” Тошкент. 1977
6. Мирзаев М.М., Собиров М.Қ. “Ўзбекистонда токчилик” Тошкент- 1979
7. Турсунов Т., Темуров Ш. “Шўр ерларда ток ўстириш” Тошкент. 1972
8. Рибаков А., Гобрач И. ва бошқалар. “Ўзбекистон узумчилиги” Тошкент-1969
9. Р. Мавлянова, А.Рустамов, Р.Ҳакимов ва б. Ўзбекистон қовунлари. – Тошкент, 2005.
10. Ҳакимов Р.А. Ўзбекистон қовун селексияси. Сабзавот, полиз, картошка селексияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси. Тошкент, 2008.